



Тилинг Аллоҳнинг зикри билан намланишдан тўхтамасин», - дедилар

Абдуллоҳ ибн Буср разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, Ислом аҳкомлари менга кўпайиб кетди. Менга шундай бир нарса ҳақида хабар беринг-ки, мен уни маҳкам ушлаб олай», - деди. Шунда Расулуллоҳ: «Тилинг Аллоҳнинг зикри билан намланишдан тўхтамасин», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга нафл ибонатлар кўпайиб кетганидан, уни бажаришдан ожиз қолгани ҳақида хабар берди. Сўнгра маҳкам ушлашлик учун Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўп савоб олиб келадиган енгил ишга далолат қилиб қўйишларини сўради. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ҳар вақт ва ҳар ҳолатда - тасбеҳ, таҳмид, истиффор, дуо ва шу кабилар билан - Аллоҳ таолонинг зикрида доимий бўлиб, тили доимо шу нарсалар билан нам ва ҳаракатда туришига йўллаб қўйдилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4716>

